



- \* "Хизбут-тахрир"га ишониб, Ватанидан жудо бўлганлар
- \* "Меҳробдан чаён" даги Раъно – Дилдоранинг орзуси
- \* Ўзбек кикбоксингчиларини дунё танийди
- \* Одамнинг семириши ёки озишига касби сабаб



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

# ТУРКИСТОН

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 5 февраль Шанба.  
№ 11 (14293)

## Олий ўқув юртларида - янги ўқув машғулотлари

Яқин кунларда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида талабалар янгидан жорий этилган 12 соатлик ўқув курсини ўргана бошлайди. Мазкур курс Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузасини ўрганишга бағишланган.


Курс дастури Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Шунингдек, вазирликда янги ўқув курси доирасида лекция ўқийдиган ва семинар машғулотларини олиб борадиган ўқитувчилар учун илмий-услубий семинар ташкил этилди.

Семинар тингловчилари ҳузурда республикамизнинг етук олимлари, қатор вазирлик ва идораларнинг мутахассислари нутқ сўзлади. Улар факт ва рақамлар асосида мамлакат Президенти нутқининг республикамиз тараққиётидаги аҳамиятини тушунтириб берди. Семинар иштирокчилари-

га келгуси машғулотлар давомида мазкур дастурий нутқнинг қайси жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши борасида тавсиялар берилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов ўз нутқида таъкидлаганидек, ёшларимиз мамлакат ўқув юртларида олаётган таълимнинг сифати, энг аввало, ўқитувчиларнинг билим даражасига боғлиқ. Шу сабабли, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласи Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

**А.Иванова,  
ЎЗА мухбири**



**Суратда: жаҳон чемпиони Иброҳим опа-си Ирода ва синглисис Шаҳноза билан. (4-саҳифа)**

## ПРЕЗИДЕНТЛИККА САЙЛОВ БОШЛАНДИ

АҚШ президентлигига даъвогарлар орасидаги сайловолди тайёргарлик зўр шиддат билан давом этмоқда. Кунни кеча Нью Хэмпшир штатида бўлиб ўтган дастлабки сайловлар натижасига кўра, Республикачи даъвогарлар орасида Аризона сенатори Жон Мак Кейн овозлар сонига кўра пешқадамлик қилмоқда. Унинг рақиблиари, Техас губернатори Жорж Буш кичкина, Стив Фарбслар ундан камроқ овоз жамғаришга муваффақ бўлишди. Демократик даъвогарлар ўртасида вице-президент Алберт Гор кўп овоз олиб, рақиби Билл Брэдлини мағлуб этди.

Айтиб ўтиш керакки, дастлабки сайловлар ҳар икки партиядоги имконияти катта номзодларни президентлик сайловларида иштирок этиш ҳуқуқини беради. Айни пайтда даъвогарлар АҚШнинг бошқа штатларида бўлиб ўтадиган дастлабки сайловларга тайёргарликни бошлаб юборишди.

**Акмал КҮЧҚОРОВ,  
"Туркистон-пресс"нинг  
АҚШдаги мухбири**

## 069 ИШ БОШЛАДИ

Яқин-яқингача аҳоли дори-дармон излаб энг осон йўлни тутарди — 069 телефон хизматига кўнғироқ қилиб, керакли дори шаҳарнинг қайси дорихонасида соғинади борлигини саноқли дақиқаларда билиб оларди. Яқиндан бошлаб мазкур 069 телефон хизмати яна иш бошлади.

— Баъзан иқтисодий-молиявий сабабларга кўра бу телефон хизмати 1999 йили бутунлай ишламади, - деди "SORIZ" соғлиқни сақлаш корхонаси директори Александр Мухин. — Соғлом авлод йили

деб эълон қилинган 2000 йилда бу хизмат йўналишини фирмамиз ижарага олди. Ҳозирги кунда шаҳарнинг юздан ошиқ дорихоналарининг раҳбарлари, провизорлари билан шартномалар тузиш бўйича маркетинг ишларни олиб бораёмиз. А. Мухиннинг гапига қараганда, аҳолига қулай ва текин хизмат кўрсатадиган ушбу йўналиш имкон борича кўпроқ дорихоналар ва ахборотлар билан "қуролланса"гина кўнғилдагидек ишлай олади.

**Н.АЛИМОВ,  
"Туркистон-пресс"**



# БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК...

Бисмиллохир раҳмонир райим!

Аллоҳ таолога беадад шукроналар бўлсинким, улуғ истиқлол туфайли қадимий урф-одатларимиз, ўзимизга хос шарқона фазилатларимиз қайтадан тиклана бошланди. Республика раҳбарияти томонидан мусулмонларни диний маросимларини камоли хуррият билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Афсуски, ана шу эркинликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринувчилар ҳам пайдо бўлиб қолди. Хориждан юртимизга кириб кела бошлаган турли бузғунчи оқимлар, ислом ақидапарастлиги, экстремизм, миссионерлик кўринишлари намён бўлди. Улар ўзларининг ғаразли мақсадларини рўёбга чиқариш учун турли йўллар билан соддадил халқимизга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилдилар.

Ана шундай бузғунчи оқимлардан бири — “Ҳизбут тахрир ал-Исломиа” номли норасмий ўта сиёсийлашган ташкилотдир. Унинг асосий раҳнамолари Фарбий Оврупа давлатларида “хузур-халоватда” яшайдилар. Уларнинг гунашталари эса Миср, Тунис, Иордания, Фаластин, Кувайт ва Туркияда фаолият кўрсатадилар. “Ҳизбчилар”нинг хатарли томони шундаки, улар мафкура жабҳасида иш олиб борадилар, ёшлар тарбиясида ҳосил бўлган бўшлиқдан фойдала-

**Абдурашид қори БАХРОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий**

ниб, уларнинг онгини захарлашга уринадилар. Ташкилотнинг асосий мақсадлари — тинч, осойишта давлатда фуқаролар урушини юзага келтириш, мамлакат иқтисодий фаолиятини издан чиқариш, миллатлараро ва динлараро низоларни қўзғаш, мамлакатга курол-аслаха ва наркотик моддаларни олиб кириб, фуқароларнинг ҳаётига раҳна солиш ва пировард натижада, мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни эгаллашдан иборат.

Шу кунларда диний жабҳаларда рўй бераётган муаммолар ана шу оқимлар туфайли содир бўлмоқда. Улар аламзадалик билан турли иғволарни тарқатмоқдалар. Халқ ўртасига нифоқ солишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг учун уларнинг кирдикорларини фош этиш ҳамда кескин зарба бериш даркор.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, қисман ота-оналар, мураббийлар ва баъзи диний арбобларнинг биров бўлсада лоқайдлиги сабабли тинчлигимизга раҳна солувчи оқимларнинг таъсири кучайди, деб ўйлайман. Энди етар, кенг халқ оммасига бу ақидапараст ва мутаассиб оқимларнинг кирдикорлари ҳақида очик-ойдин айтиш, фош қилиш ва Исломнинг асл моҳиятини тушунтириш муҳим вазифамиз бўлмоғи керак.

Юзага келган вазият таҳлили асосида Президентимиз Ислом

Каримов жаноблари **“Диний ақидапарастликка қарши курашни бир дақиқа ҳам сусайтирмастик лозим”** деб бежиз айтганлари йўқ. Йўлбошчимизнинг ушбу кўрсатмалари ҳар биримизнинг фаолиятимизда асосий дастур бўлиб қолмоғи лозим.

“Ҳизбчи”ларнинг қўлланма ва тарқатган маълумотларидан билдимокдаки, мусулмончиликда ҳокимият учун кураш биринчи ўринда, ибодат ва ахлоқ иккинчи ўринда эмиш. Шунинг учун ҳам уларда на устозларга ва на ота-оналарга нисбатан иззат-ҳурмат бор.

Бундан ташқари, улар мамлакатимиздаги расмий диний ташкилотларни ҳам тан олишмайди. Муфтиётдан тортиб, йирик-йирик дин пешволари, имом-хатиблар, ҳатто уларнинг гоёсига қўшилмаган ҳар қандай алломаларни ҳам эътироф этмайдилар, улар билан ҳисоблашмайдилар, балки улар шаънига турли бўхтон, таъна ва танқидларни йўллайдилар.

Яна энг ачинарлиси шуки, улар Имом Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) асос солган ханафийлик мазҳабига ҳурматсизлик билан қарайди. Юртимиз мусулмонларининг энг тўғри йўли саналмиш ханафий мазҳабида эканликларидан фахрланиш ўрнига бошқа заиф мазҳаб ва бузғунчи оқимларни қўлаб-қувватлайдилар. Ахир, бу ҳам хиёнатнинг бир тури эмасми?!

Ханафий мазҳаби дунёда энг

кенг тарқалган мазҳаб бўлиб, манбааларга кўра, ҳозирги кунда унга 500 миллион нафардан зиёд мусулмон эргашади. Марказий Осиё, шу жумладан Ватанимиз мусулмонлари 1300 йилдан буён эътиқод ҳамда ҳуқуқ масалаларида Ханафий мазҳабига тобеъдурлар. Бу мазҳабнинг оламда кенг тарқалишига сабаб, аввало унинг халқчиллиги бўлса, иккинчидан, Ислом тарихидаги Боғдод ва Усмонийлар халифаликларидан диний, ҳуқуқий ва ижтимоий соҳалардаги барча масалаларни ҳал қилишда шу таълимот қонун-қоидаларига суюниланган. Амир Темур ва бобурийлар давлатида ҳам динга тааллуқли ишлар Ханафий мазҳаби асосида юритилган. Бу мазҳаб Ислом динидаги тўрт мазҳаб ичидан энг

Ислом дини кишиларни бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга чақирши билан бирга уларни динидан, миллатидан қатъий назар ўзаро ҳурмат-иззат кўрсатишга даъват этади.

Ислом дини — ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У инсонларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган. Шу туфайли ҳам халқимиз асрлар мобайнида юксак маънавият, бой мероси ва миллий анъаналарини мустаҳкам сақлаб қолган.

Президентимизнинг “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” номи рисолаларида шундай илҳомбахш сўзлар бор:

**“Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлимизни йўқотамиз... Дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот**

## ФЕВРАЛЬ

мўътадили бўлиб, динни тарғиб қилишда куч ишлатмасликни ҳимоя қилади.

Табаррук заманимизда яшаётган ҳар бир қалби пок инсон азиз она-Ватанимиз олдидаги фуқаролик бурчларини яхши англамоқлари керак. Мустақиллигимиз ва тинч-осуда ҳаётимизга раҳна соладиган ҳар қандай кучга ва жаҳолатга қарши қатъият ва фидокорлик билан курашмоғимиз лозим.

**билан чиқариб бўлмайди.”**

Ҳозирги давр жамятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғунлаштиришни тақозо этмоқда. Бу ўта нозик ва мураккаб масалада ўзаро муносабатларнинг ҳурмат ва ишонч асосида қурилиши ягона маъқул йўлидир. Яъни, тараққиёт ва дунё халқи бахт-саодати йўлида барча ҳамжиҳат, бир тану бир жон бўлиб, ягона мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоғи керак.

## БАРЧАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Февраль воқеалари биз учун бир умр сабоқ бўлиши керак, деб ўйлайман. “Ҳизбут тахрир”, “Ҳезбуллоҳ”, “Акрамия” сингари турли салбий оқимлар таъсирига тушиб қолаётган ёшларнинг аксарияти ишсиз, ўқиш жойининг тайини йўқ. Улар ўзининг эпизилиги, уқувсизлиги ва ношудлигини замонга ағдарувчи йигит-қизлардир. Президентимиз ёшларга ғамхўрлик борасида кўп хайрли ишларнинг ташаббускори бўляпти. Қишлоқ ёшларини иш билан банд этиш, йигит ва қизларга диннинг асл моҳиятини тўғри тушунтириш, ёшлар ташкилотига яқиндан кўмак беришга ҳаммамий аҳилликда киришишимиз лозим.

**Б.ХАЙДАРОВ, ишчи**

Ўтган йили февралда бўлиб ўтган машъум воқеалар ҳасадгўй, ғараз ният эгаларининг ёвуз мақсадлари маҳсули бўлди. Лекин биз унда ҳали мудроқ эканмиз. Шунинг оқибатида бир қанча бегуноҳ ватандошларимиз шаҳид кетдилар.

## ЙЎЛИНГИЗДАН АДАШМАНГ

Ҳозир ҳам айрим ёшлар ақидапарастлар тўрига илиниб қолаётгани бизни хушёрликка чорлайди. Биз ёшлар айни пайтда янада зийрак бўлмоғимиз керак. Ватанимизнинг осойишталиги ва тинчлигининг қадрига етмоғимиз даркор. Мен тенгдошларим, юртдошларимга қарата фикрингиздан чалғиманг, Президентимиз белгилаб берган йўлдан асло адашманг, дейман.

**Тоҳир БОБОМУРОДОВ, Жаҳон тиллари ва дипломатия Университети талабаси**



**МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ**

Ўзбекистонлик йигирма нафар талаба-бакалавр шу йил сентябр ойдан бошлаб таълимни Япониядаги олий ўқув юрғларида давом эттириди. Республикамиздан борган талабаларга стипендия тўлаш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун ажратилган 127 миллион иен /1 миллиондан ортиқроқ АҚШ доллари-га тенг/ миқдоридаги маблағ - мана

шу мамлакат ҳукумати грантидир. Грант шу кунларда ҳукуматлараро имзоланган алмашув ноталарига мувофиқ равишда ажратилган.

Лойиҳани амалга ошириш Япониянинг “ЈІСЕ” халқаро ҳамкорлик бўйича марказига ишониб топширилган. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Япониянинг жуда кўп мамлакатларда ўз соҳаси бўйича таълим тузилмалари билан ҳамкорлик борасида катта тажрибага эга бўлган бу ноҳукумат,

нотижорий ташкилоти билан шартнома имзоланди.

Шартномада келишилганидек, талабаларимиз Кунчиқар мамлакатини ўқув юрғларида иқтисодиёт ва молия, менежмент, ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фан-

## Улар Японияда ўқийди

лар бўйича магистратура даражасида таълим олади. Бироқ, ҳали ҳамма иш битгани йўқ. Хорижда ўқишга умид боғлаб турганларни ҳали бир неча босқичдан иборат синов кутади. Синов март ойида бошланади. Синовни “ЈІСЕ” тузган япониялик профессорлар ўтказиши. Синов пайтида иқтисос бўйича билимлардан ташқари, инглиз ва япон тилларини мукамал билиш ҳам ҳисобга олинади. Чунки ўзбекистонлик ёшлар у ерда мана шу икки тилда таълим олади.

— Мамлакатимиз биринчи марта таълим соҳасида хорижий талабаларга бундай маблағ ажратмоқда, - деди шартномани имзолаш маросимида Япониянинг “ЈІСЕ” халқаро ҳамкорлик марказининг вице-президенти Нобуюки Юкава. - Япониянинг Марказий Осиё республикалари ўртасида Ўзбекистон билан муносабатлари яхши ривожланган. Бу муносабатлар

чуқур илдизларга эга бўлиб, жуда кўп - иқтисодиёт, илм-фан, маданият, таълим соҳаларини ўз ичига олади. Ўзбекистонда кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам, назаримда, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам давом этиб ва ривожланиб бораверади.

**А.Иванова, ЎЗА мухбири**

## ДОЛЗАРЪ МАВЗУДА

Алоқа коллежида ўтказилган “Огоҳлик — давр талаби” мавзуидаги мулоқотда Тошкентдаги ўрта ва махсус ўқув юрғлари ва академик лицейлар ўқувчилари қатнашди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Р.Ақромов ва Э.Эрназаров, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурлидаги диний ишлар қўмитаси раиси Фозил қори Собиров ҳамда кўлаб ёшлар сўзга чиқдилар. Улар мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, йигит ва қизларни турли диний ақидапарастлик оқимларига қарши ташвиқот юритишга чақиринди, Ватан олдидаги ўз бурчларини

қилишлари зарурлигини таъкиллашди. Фозил қори ота:

— “Ҳизбут-тахрир” бир баҳона-ю, сабаб. Буларнинг мақсади дин эмас, ҳокимият тепасига келиш. Етмиш йил динга чанқоқ эдик. Лекин ўшанда ҳам халқимизнинг юрагида иймон бор эди. Динни ниқоб қилиб ёшларни йўлдан оздираётган кимсалар бир кун Яратганнинг қаҳрига учрайдилар, - деди.

Мулоқот сўнггида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.



**УВА** **ВАШИНГТОН.** АҚШ мудофаа вазири Уилям Коэн 5-6 февраль кунлари Мюнхенда бўлиб ўтадиган хавфсизлик муаммолари бўйича 36-халқаро анжуманда иштирок этади. Пентагон расмий вакили Кеннет Бей-коннинг таъкидлашича, анжуманда У.Коэн Европа мамлакатларини улар-урини кучайти-лан ҳарбий ҳамкор-ришга чақириш ниятида.



**ТОКИО.** Бу ерда ноқонуний равишда ўқотар қуролларнинг тарқалиши ва савдоси муоммаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда 30 мамлакат ва 4 халқаро ташкилот вакиллари иштирок этмоқда. Анжуманда ноқонуний равишда қурол ишлаб чиқариш ва унинг савдосини тақиқловчи халқаро ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқилади. Маълум бўлишича, БМТ Бош ассамблеяси ўзининг бу йилги сессиясида бу ҳужжатни қабул қилиш ниятида.

**СЯНГАН.** Сянган соғлиқни сақлаш департаменти маълумотиغا кўра, ўтган йили бу ерда 213 кишида ОИТС вируси борлиги аниқланган. Улардан 61 нафари ушбу касалликка йўлиққан. Айна пайтда Сянганда жами ОИТС вирусини ташувчилар сони 1359 кишига етган. Уларнинг 1138 нафари эр-кактлардир.

**ЙОХАННЕСБУРГ.** Жанубий Африка Республикасининг собиқ Президенти Нелсон Манделанинг таъкидлашича, мамлакатдаги айрим компаниялар Анголанинг тўла мустақиллиги учун курашувчи Миллий иттифоқ (УНИТА) билан аввалгидек иқтисодий шартномалар тузмокда. Ушбу компаниялар ўз манфаати йўлида УНИТАга қарши иқтисодий жазони кўзда тутувчи БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясини бузмокда. Бу эса Анголадаги фуқаролар урушининг чўзилишига сабаб бўлаётир.

**МОСКВА.** 2000 йилдан Россия 70-75 миллион тонна дон йиғиштириб олишни режалаштирмокда. Давлат Думасидаги агросаноат гуруҳи мажлисида ана шу масала муҳокама қилинди, хусусан, баҳорги экин кампаниясини бошлаш ҳақида фикрлар алмашилди.

**ПЕКИН.** Хитой ҳукумати Италия, Франция ва Люксембургдан импорт қилинаётган парранда маҳсулотларини мамлакатга киритишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бунга ўтган йил декабрь ойидан буён мазкур мамлакатларда грипп ва паррандалар орасида юқумли касалликлар тарқалаётгани сабаб бўлди. Шунингдек, қарорга мувофиқ ҳозир Хитойга ушбу уч мамлакатдан киритилган парранда маҳсулотлари қайтариб юборилмокда ёки жойида йўқ қилинмокда.

**КИЕВ.** Ўтган ҳафта Украина ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органи 430 килограмм наркотик моддани мусодара қилди. Ушбу вақт мобайнида мамлакат милицияси томонидан ўтказилган махсус операциялар чоғида ноқонуний равишда наркотик модда савдоси билан шуғулланувчи 1300 киши ҳибсга олинди.

**ЛУАНДА.** Ангола Президенти Жозе Эдуарду

Душ Сантуш шу йил охирига бориб, мамлакатда фуқаролар урушига яқун ясаилиши ва сиёсий барқарорликка эришилиши тўғрисида баёнот берди. Унинг таъкидлашича, ўтган йили ҳукумат армияси УНИТА кучларига қарши курашда ҳал қилувчи ғалабани қўлга киритган бўлса, бу йил қолган жангарилар йўқ қилинади.

**ГААГА.** Индонезия Президенти Абдурахмон Воҳид давлат ташрифи билан Нидерландияга келди. У қирол Беатрикс ва Бош вазир Вим Кок билан учрашув ўтказди. Учрашувларда ўзаро сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда Индонезиянинг оловли нуқталари, хусусан, Молукки оролларидаги вазият масалалари юзасидан фикр алмашилади. Ташриф доирасида икки мамлакат ўртасида иқтисодий алоқаларни чуқурлаштиришга қаратилган бир неча ҳужжат имзоланиши кутилмокда.

Шунингдек, Индонезия Президенти Нидерландия парламентида ҳам бўлади.

**НЬЮ-ЙОРК.** Жаҳон озиқ-овқат дастури молиявий

мин қилмокда. Чунки сўнгги йилларда ушбу минтақадан ноқонуний йўллар билан Австралияга келувчилар сони анча кўпайган.

**НЬЮ-ЙОРК.** БМТ Бош котиби Кофи Аннан 52 аъзо мамлакатга мурожаат қилиб, халқаро ташкилотга бериладиган бадалнинг ҳеч бўлмаганда маълум фоизини тўлашга даъват қилди. Ақс ҳолда, бадал тўламаган давлатлар Бош ассамблея сессиясида овоз беришдан маҳрум бўлиши мумкин, деди у. Бу ҳақда 52 давлатга К.Аннан номидан мактуб жўнатилди.

**АЛ-КУВАЙТ.** Халқаро қизил хоч ташкилоти Ироқда аҳоли турмуш даражаси тобора пасайиб бораётганидан жиддий ташвишда эканини билдирди. Мазкур мамлакатга нисбатан ўн йилдан буён қўвланиб келаётган иқтисодий жазо чоралари аҳолининг турмушини жуда оғирлаштириб юборди, айниқса, бугунги кунда болалар, аёллар, қария ва беморлар жуда ҳам оғир аҳволда кун кечираётир. Мамлакатда беш ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлим қарийб беш баробарга кўпайди, деб бу ҳақда баёнотда таъкидланган.

БМТнинг "Нефт эвазига озиқ-овқат" дастури Ироқда бундай муаммоларни бартараф қилишга ёрдам бера олмаяпти. Бу дастур Ироққа ярим йилда баҳоси 5,26 миллиард АҚШ долларига тенг миқдордаги нефтни жаҳон бозорига чиқариш имконини беради.

**ВАШИНГТОН.** Югославия таркибидаги Черногория республикаси Бош вазири Филип Вуянович АҚШ маъмуриятига мурожаат қилиб, Черногория учун қўшимча молиявий ёрдам ажратишни сўради. Шу мақсадда у тўрт кунлик ташриф билан АҚШга келган эди.

Ф.Вуянович мазкур ташриф доирасида АҚШ Давлат департаменти, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва бошқа муассасалар вакиллари билан учрашиб, музокара ўтказди. У музокаралар самараси ўлароқ, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги билан Черногорияга етти миллион долларлик грант ажратиш ҳақидаги битимни имзолади. Бу маблағ ижтимоий мақсадлар учун сарф қилинади.

**ЖАКАРТА.** БМТ Бош котиби Кофи Аннан февраль ойи ўрталарида Индонезия ҳамда Шарқий Тиморга ташриф буюради, деди халқаро ташкилот вакили. Ташрифдан асосий мақсад, Индонезия раҳбарлари билан Шарқий Тимор инфратузилмасини издан чиқариш ва ўлка аҳолисига нисбатан зўравонлик қилишда айбланган ҳарбийлар устидан текширув ўтказиш масаласи бўйича ўзаро фикр алмашишдир.

**ФРАНКФУРТ.** Халқаро тинчликни сақлаш кучлари сафида Косовода хизмат қилаётган Германия ҳарбийларидан бири вафот этди. Маълумотларга қараганда, 23 ёшли ҳарбий хизматчи Косовога келган вақтидаёқ бетоб бўлган ва айна шу касаллик унинг умрига зомин бўлган. Косовога ўтган йилнинг июнь ойида НАТО раҳбарлигида халқаро тинчлик кучлари киритилганидан буён ГФР ҳарбийларидан тўрт киши нобуд бўлди. 1999 йилнинг октябрь ойида Косово йўлларида бирида юз берган икки автохалокат натижасида уч нафар ҳарбий ўлган эди.



аммолар сабаб Колумбия қочқинларига кенг кўламли инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга қаратилган тадбирини бошлаш олмади. Дастур расмий вакили Жон Миллз шуни журналистларга маълум қилиб, бунга дунё мамлакатлари озиқ-овқат дастурининг Колумбия аҳолисига шошилинч ёрдам кўрсатиш ҳақидаги чақириғига муносиб жавоб қайтармагани сабаб бўлганини таъкидлади.

Ж.Миллзнинг айтишича, озиқ-овқат дастури биринчи февралдан бошлаб, узоқ йиллар давомида ички можаролардан жиддий талофат кўрган Колумбия аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни бошлаш керак эди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бунинг учун тўққиз миллион АҚШ доллари керак бўлади.

Жаҳон озиқ-овқат дастури дунё мамлакатлари яна бир бор Колумбия аҳолисига шошилинч ёрдам кўрсатишга чақирди. БМТ маълумотларига қараганда, ҳозир 227 минг нафар колумбиялик шундай ёрдамга муҳтож.

**ДЕХЛИ.** Ҳиндистон Ташқи Ишлар вазирлиги маълумотига қараганда, АҚШ Президенти Билл Клинтон 20 март куни беш кунлик расмий ташриф билан Деҳлига келади. У Ҳиндистон раҳбарлари билан учрашиб, икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик, жумладан, расмий Деҳлининг ядро синовларини тақиқлаш шартномасига қўшилиши масалалари юзасидан фикр алмашади.

АҚШ Президенти Жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафар доирасида 25 март куни Бангладешга ҳам боради.

**СИДНЕЙ.** Австралия соҳил кўриқчилари мамлакат худудига ноқонуний равишда киришга уринган 300 нафар муҳожирни тутиб қолди. Аниқланишича, улар Индонезиядан балиқчилар кемасида келган.


Муҳожирлар қайси мамлакат фуқаролари эканлиги ҳали аниқлангани йўқ. Бироқ муҳожирлик хизмати уларни Яқин Шарқ минтақаси мамлакатларидан, деб тах-

УВА

**ЭНИГА:** 1. Кунчиқар мамлакатнинг Хонсю оролидаги шаҳар. 4. Қора денгиз соҳилидаги шаҳар. 7. Халқаро кенгаш. 13. Шикоятнинг ёзма тури. 14. Қадимий қурол. 15. Хавфли ўсма. 16. Русиядаги шаҳар. 17. Кимёвий элементнинг ксилородли бирикмаси. 19. Инглиз ёзувчиси, "Айвенго" асари муаллифи. 20. Қурама тизмасидаги довон. 23. Финжон. 24. Пайғамбарга тобе кишилар.

**БҲЙИГА:** 2. Поясидан тола, уругидан мой олинадиган бир йиллик ўт. 3. Қимматбаҳо тош тури. 5. Нобель мукофоти соҳиби, инглиз физиги. 6. Ёшлар рўзномаси. 8. Русиядаги шаҳар. 9. Ўрта Осиё хонликларидаги ўлчов бирлиги. 10. Оврупадаги давлат пойтахти. 11. Арабистон ярим оролидаги давлат. 12. Италия фирқаларидан бирининг рўзномаси. 18. Марокашдаги дарё. 21. Оғирлик ўлчов бирлиги. 22. Қўл аравада юк ва одам ташувчи ҳам-мол.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ



## ЖУМБОҚ-НИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 2 февраль сониди эълон қилинган бошқотирма жавоблари

**БҲЙИГА:** 1. Илмоқ. 2. Икра. 3. Унутма. 4. Литва. 5. Шарофат. 7. Новелла. 8. Аппалачи. 9. Тошқўмир. 11. Парвоз. 13. Озокерит. 15. Раиса. 16. Атом. 20. Ясовул. 23. Мальта. 25. Иблис. 28. Агра.

**ЭНИГА:** 5. Шри-Ланка. 6. Андижон. 10. Обпартов. 12. Бошоқ. 14. "Артек". 17. Оловли. 18. Ўрикли. 19. Этик. 21. Аширой. 22. "Адолат". 24. Шўрти. 26. Смола. 27. Болта. 28. Алла. 29. Радиатор. 30. Рубоби.



## БОЛАЛАРГА СОВҒА

Қорақалпоғистон Республикаси болалар ва ўсмирларига мўлжалланган "Қалдирғоч" адабий-бадий журналининг илк сони нашрдан чиқди.

— Болалар билан учрашганимизда улар учун бадий адабиётларнинг камлиги тўғрисида кўпроқ эшитамиз, — деди журналнинг бош муҳаррири Рая Ернашева "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда. — Шу муаммони ечиш ва 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили" эканлигини ҳисобга олиб, журнал чиқаришни йўлга қўйдик. У республика Маданият ишлари вазирлиги, "Болалар" ва "Соғлом авлод учун" жамғармалари ҳамда бошқа ташкилотлар ёрдами билан ташкил этилди.

Журналнинг биринчи сонида республика-миз мадҳияси, герби, байроғининг тасвири берилди. Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг қутлови, "Алпомиш" достонидан парчалар, Жалолиддин Мангуберди тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа қизиқарли мақолалар ҳам журналдан ўрин олган.

**Довуд АБИБУЛЛАЕВ,**  
Қорақалпоғистон  
республикаси

## ЭРТАК СЎЗЛАЙДИГАН КАРАВОТ

Брюсселда яратилган янги каравотга электр двигател, компьютер ўрнатилган. Бу бежиз эмас. У соҳибининг ҳар қандай оғзаки буйруқларига сўзсиз итоат этади. Агарда сиз овозингизни чиқариб, китоб ўқигим келди, десангиз, у шунга мос ҳолатга келади. Каравотда ётиб, хаёл суришдан чарчаб, ухлагингиз келганини айтсангиз бас, у сизни тебратта бошлайди.

Хоҳласангиз эртак ҳам сўзлаб беради. Бундай ажойиб каравотнинг нархи уч минг доллар ҳолос.

## МАНСАБ ҲАМ СЕМИРТИРАДИ

Одамларнинг касби уларнинг қадди-қоматига таъсир этади. Масалан, бир қанча лавозим эгалари асосан бир жойда ўтириб ишлайди. Булар генераллар, компанияларнинг тижорат бўйича директорлари, ҳисобчилар, банк менежерлари, аудиторлар... Улар кам ҳаракат кишилардир.

Телевидение сухандонлари, сураткашлар, реклама менежерлари, қурувчилар, официантлар одадта озгин, хипча бўлади. Сабаби улар кўп юришади.

Асабий ишлар билан шуғулланувчилар: автомашина ҳайдовчилар, сураткашлар, ошпазлар, педагоглар, сийосатшунослар... ҳар кун камиди 3500 килокалория овқатни еса ҳам қурмадим дейди. Ҳисобчилар иш пайтида кўп асабийлашмайди; улар эртадан кечгача бир маромда шуғулланади, шу боис бир кунда 2000-2200 килокалория таомни ҳазм қилишади, ҳолос.

Текширишларга кўра тижоратчи директор, ҳисобчи, ҳайдовчи, банк ходимлари, муҳаррирлар, нуфузли клиника шифокорлари, бош ошпазлар семиз гавдали; учувчи, котиба, официант, сухандон, сураткаш, қурувчи каби касб эгалари кўпроқ хипча, озгин бўларкан.


## Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

17 ФЕВРАЛДА  
13 ФЕВРАЛГАЧА

**ҲАМАЛ.** Душанба ва пайшанба кунларидан янгилик кутинг. Сешанбада қувонасиз. Чоршанба дам олиш учун қулай. Жума кунини соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Ҳамкорлар билан учрашувни шанбага қолдилинг.

**САВР.** Ҳафта бошида сизни алдаб кетишга уринишади. Сешанба кунини соғлиғингизни ўйланг. Чоршанбада муҳим янгиликдан огоҳ бўласиз. Шанба кунини сирли учрашув. Якшанбада ҳамнингиз қапаяди.

**ЖАВЗО.** Муҳим хабарларни душанбада эшитасиз. Сешанба соғлиқ учун беҳаловат кун. Пайшанба кунини яқинлар дийдорлашу-



А. ХАМИДОВ сурати

ви. Жумада сизни сўроқлашади. Шанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Якшанбани ўзингизга бағишланг.

**САРАТОН.** Саратонлар ҳафта бошида молиявий аҳволларини яхшилаб олади. Чоршанбадан хушxabар кутинг. Пайшанба кунини қувонасиз. Жума ва якшанбани севимли одамингиз билан бирга ўтказасиз. Шанба дам олиш учун қулай кун.

**АСАД.** Ҳамкорлар билан душанбада янги битимлар тузасиз. Сешанба кунини бойийсиз. Пайшанба кунини сирли учрашув. Жумада сизни сўроқлашади. Шанба кунини соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Якшанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади.

**СУНБУЛА.** Душанба ижодкорлар кунини. Сешанба ва чоршанба кунлари кўпдан кутаётган одамингиз билан дийдорлашасиз. Пайшанба кунини соғлиғингизни авайланг. Жумада ҳаммага ҳам ишонверманг. Шанба кунини кайфиятингиз о'кей. Якшанбада яхши дам олинг.

**МЕЗОН.** Ҳафта бошида молиявий аҳволингиз яхшиланади. Сешанба кунини самарали ижод қиласиз. Чоршанба ва пайшанбада муҳим ишларни ҳал қиласиз. Шанбада яқинларингиз билан дийдорлашасиз. Дам олиш кунини саломатлик ҳақида қайғуринг.

**АКРАБ.** Душанба кунини асабийлашманг. Сешанбада сизни сўроқлашади. Чоршанба кунини сирли учрашув. Пайшанбада бойийсиз. Жума кунини соғлиғингиз безовта қилиши мумкин. Шанбадан янгилик кутинг. Якшанба кунини самарали ижод қиласиз.

**КАВС.** Ҳамма нарсадан кўра соғлиқ кераклигини душанбада унутманг. Сешанба кунини бойийсиз. Чоршанбада яқинларингиз билан кўришасиз. Пайшанбадан янгилик кутинг. Шанба омадли кун. Дам олиш кунини кўнгилдагидек хордиқ чиқаришингизга имкон беради.

**ЖАДЙ.** Кўпдан кутаётган одамингиз билан ҳафта бошида дийдорлашасиз. Муҳим ишларни сешанбага қолдилинг. Чоршанба ва шанба кунлари сизни сўроқлашади. Пайшанбада дам олинг. Жума ҳамнингизни тўлдирди. Якшанба яхшилар даврасида ўтади.

**ДАЛВ.** Душанба ва сешанба кунлари молиявий аҳволингиз яхшиланади. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанба кунини хордиқ чиқаришга имконият бор. Жума ва шанбадан янгилик кутинг. Якшанба кунини соғлиқ ҳақида қайғуринг.

**ХУТ.** Ҳафта бошида асабийлашманг. Сешанба кунини саломатликни асранг. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанба кунини сизни сўроқлашади. Жумада бойийсиз. Шанба кунини сирли учрашув. Якшанбада яхши дам олинг.

## СПОРТ ОДАМЛАРИ

### Сиднейга йўлланма

Сеулда Сидней Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун бокс бўйича саралаш мусобақалари ниҳоясига етди. "Сеул кубоги" мусобақаларида 25 мамлакат спортчилари қаторида мамлакатимизнинг беш чарм қўл қоп устаси ҳам иштирок этди.

Ўзбекистонлик Шерзод Хусанов 67 килограммик вазн бўйича энг яхши натижа кўрсатиб, олтин медал билан бирга Сиднейда бўладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма олди.

Ўзбекистоннинг бошқа икки вакили Рафқат Эралиев билан Икром Бердиев бронза медали соҳиб бўлишди.

### Аждодларга муносиб авлодлар

Андижонда халқ қаҳрамонлари Алпомиш ва Тўмаристга бағишланган халқ спорт ўйинлари бўйича ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда Андижон вилоятидаги 14 коллежнинг 300 нафар кучли спортчиси иштирок этди.

Мурасиз курашлар Олтинқўл қишлоқ хўжалик коллежи спортчилари командаси галабаси билан яқунланди.

Спорт фестивали голибларига ташкилотчилар - вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, вилоят спорт қўмитаси, ёшлар жамғармалари ва ҳомийларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

### Ғолиблар аниқланди

Навоийда "Универсиада-2000" дастури бўйича шахмат ва стол тенниси бўйича иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Шахмат бўйича Навоий Давлат кончилиқ институти жамоаси, стол тенниси бўйича эса

Навоий Давлат педагогика институти жамоаси ғолиб деб топилди. Энди улар май ойида Наманганда бўлиб ўтадиган республика мусобақасида иштирок этади.

"Универсиада-2000" дастурига киритилган спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар давом этмоқда.

### Олимпия ўйинларига янги йўлланмалар

Малайзияда ўқ отиш бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда 32 мамлакат спортчилари Сиднейда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш учун курашди.

Кескин рақобатда ўтган курашларда ғолиб бўлган Ўзбекистонлик икки спортчи қиз Юлия Шахова билан Алёна Аксёнова Сидней Олимпиадасига йўлланма эгаси бўлди. Энди Олимпия ўйинларида ўқ отиш бўйича мусобақаларда юртимизнинг уч спортчиси қатнашади. Дилшод Мухторов қизлардан олдин, ўтган йили йўлланма соҳиб бўлган эди.

(ЎЗА)

### "ШЕЪРИЯТ САБОҚЛАРИ" ДАВРАСИГА МАРҲАБО!

"Туркистон" газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган "Шеърият сабоқлари" мактабининг навбатдаги машғулоти 7 февраль соат 15.00 да Матбуотчилар, 32-уй, 507-хонада ўтказилади.

Севимли шоиримиз Сироҳиддин Саййид энг янги ва сара шеърлари билан даврамиз меҳмони бўлади. Мушоира албатта "Ёшлар канали" эшиттириши учун ёзиб олинади.

Шоир билан учрашувни унутманг. Унутилмас кечамиз қатнашчиси бўлинг!

"Туркистон" газетаси таҳририяти

#### Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ

#### Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Зиёда АШУРОВА



#### Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69



#### Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй  
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқлиниши мумкин.